МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ
«ZIYO – AUDIT»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«ZIYO – AUDIT»

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Андижон шахри, Навоий шох кучаси 87-уй, 170120. х/р.20208000503781766001 ТИФ «Миллийбанк» Андижон шахар булими, МФО 00074, ИНН 202 554 997, телефон.0(374) 223 19 22, e-mail: ziyoaudit@mail.ru. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субьектларда аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича 2008 йил 30 январда берилган 00211-сонли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 11 апрелда берилган 479-сонли гувохнома.) аудитори Абдурахмонова Т.Г. (Молия Вазирлигининг 2014 йил 28 июнда берилган 05216-ракамли аудиторлик малака сертификати эгаси), «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти рахбари Бурхонов Зафар Фуркат угли (Молия Вазирлигининг 2014 йил 25 октябрда берилган 05264-ракамли аудиторлик малака сертификати) томонидан хўжалик юритувчи субъект "Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2018 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган 1-шакл «Баланс», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» дан иборат молиявий хисоботининг ишончлилигини 2019 йил 21 январ кунги №03/19 сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.
Биз "Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.
Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади.
Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи “Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «ZIYO-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори **Бурхонов З.Ф.**

Аудитор: **Абдурахмонова Т.Г.**

Андижон ш, 2019 йил 25 февраль